

**Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари қўмитаси хузуридаги  
жамоатчилик кенгаши йиғилиш  
Б А Ё Н И**

**2022 йил 8 июль**

**Тошкент шаҳри**

Раислик қилувчи: М.М.Мирқосимов - Жамоатчилик кенгаши раиси

Иштирок этдилар: Жамоатчилик кенгаши аъзолари, Автомобиль йўллари қўмитаси марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар автомобиль йўллари бош бошқармалари ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари.

**КУН ТАРТИБИ:**

**Автомобиль йўллари қўмитасида 2021 йил ва 2022 йил биринчи ярим йиллиги мобайнида коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилган ишлар сарҳисоби ҳамда 2022 йилнинг иккинчи ярмида амалга оширилиши режалаштирилган чора-тадбирлар режаси.**

Йиғилишни Жамоатчилик кенгаши раиси М.Мирқосимов очиб берди ва йиғилиш иштирокчиларини кун тартибига қўйилган масала билан таништирди ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6257-сон Фармони ва 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПКҚ-5177-сон қарори билан яна бир бор қисқача таништириб ўтди ва мамлакатимизда олиб борилаётган коррупцияга қарши муросасиз кураш ҳақида гапириб ўтди.

Қонун устивор бўлган жамиятда инсоннинг маънавий камол топиши ва уйғун ривожланиши, ўз истеъдодини намоён этишига монелик қилмайдиган ижтимоий муҳит вужудга келиши ва албатта, бундай демократик жамият фуқаролик жамияти ҳисобланишини гапириб ўтди.

Шунингдек, маърузачи юртимизда қонун устиворлигига эришиш давлат сиёсатининг энг асосий йўналишларидан ҳисобланишини ҳамда эркин фуқаролик жамиятининг энг муҳим белгиларидан бири фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунлар устунлигининг сўзсиз ижро этилиши билан боғлиқлигига урғу берди.

Шундан сўнг, сўз навбати Қўмита бош юрисконсульти Ҳ.Умаровга берилди. Ҳ.Умаров Қўмитада коррупцияга қарши курашиш ва Қўмита фаолиятининг очиклигини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар хақида қуйидагиларни гапириб ўтди.

Қўмитанинг 2020 йил 28 августдаги 144-сонли буйруғи билан Автомобиль йўллари қўмитасининг яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш юзасидан маҳсус ишчи гуруҳи ташкил этилган ва Яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар режаси (Йўл харитаси) тасдиқланган.

Мазкур Чора-тадбирлар режасини ижросини таъминлаш мақсадида Қўмитанинг 2020 йил 28 сентябрда 176-сонли буйруғи қабул қилиниб, буйруқ билан “Автомобиль йўллари Қўмитасининг коррупцияга қарши курашиш Сиёсати”, Автомобиль йўллари қўмитаси ходимларининг одоб-ахлоқ Қоидалари”, “Автомобиль йўллари Қўмитаси тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги Низом” ҳамда “Автомобиль йўллари Қўмитаси тизимида бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш ва давлат хариди бўйича тартиб ҳамда доимий мониторинг олиб бориш Сиёсати” қабул қилинган.

Қўмита ва тизим ташкилотларининг барча ходимлари мазкур буйруқ билан тасдиқланган Автомобиль йўллари Қўмитасининг коррупцияга қарши курашиш Сиёсати, одоб-ахлоқ Қоидалари, манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги Низом ҳамда бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш ва давлат хариди бўйича тартиб ҳамда доимий мониторинг олиб бориш Сиёсати билан таништирилган.

Шунингдек, Қўмитанинг 2021 йил 25 январдаги 12-сонли буйруғига асосан “Иқтисодий таҳлил ва истикболли ривожланиш бўлими” негизида тўғридан-тўғри Қўмита раисига бўйсунадиган “Ички аудит” бўлими ташкил этилди ҳамда бўлим низоми ва ходимларнинг лавозим йўриқномалари ишлаб чиқилди.

Қўмитада Коррупцияга қарши ички назорат бўлими ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинган.

Қўмита веб сайтыда коррупция фактлари тўғрисида аноним (ник орқали) хабар қолдириш имкониятини берувчи саҳифа очилган ва ишонч телефонлари мавжуд (<https://www.uzavtoyul.uz/ru/site/contacts>).

Шунингдек, Қўмитанинг 2021 йил 4 февралда қабул қилинган 21-1-сонли буйруғи билан “Автомобиль йўллари қўмитаси тизимида инвестиция лойиҳаларининг коррупцияга қарши дастлабки экспертизасини ўтказиш ва узоқ муддатли инвестицион лойиҳалар рўйхатини шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6257-сон Фармони ва “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5177-сон қарори ижроси юзасидан 2021 йил 12 июлда 118-сонли буйруқ қабул қилинди ва унга биноан Автомобиль йўллари қўмитаси тизимида 2 та штат бирлигидан иборат коррупцияга қарши курашиш ички назорат бўлими ташкил этилди ҳамда бўлим низоми ва ходимларнинг лавозим йўриқномалари ишлаб чиқилди.

Кун тартибидаги масалалар йиғилиш иштирокчилари томонидан атрофлича муҳокома қилиниб, ушбу йўналишдаги ишлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида йиғилиш қарор қилади:

1. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят автомобиль йўллари бош бошқармалари бошлиқлари тизим ташкилотлари билан биргаликда коррупциявий омилларни бартараф этиш юзасидан чора тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва уларнинг ижросини тизим ташкилотлари томонидан таъминланишини қатъий назоратга олиш;

2. 2022 йилда Коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан ҳамкорликда чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

3. Коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган ички идоравий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

4. Қўмитанинг расмий веб-сайтидаги “Коррупцияга қарши курашиш” бўлими ҳамда ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларига жойлаштирилган маълумотларни янгиланиб бориш;

5. Коррупцияга қарши курашиш борасида ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган конференциялар, учрашувлар, семинарлар, танловлар ва бошқа тадбирларни ташкил этилишини таъминлаш.

**Баённи олиб борувчи**



**Ф.Раджабов**